



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

«ТАБИЙ ФАНЛАР» факультети

«биология» йўналиши

**203-гуруҳ талабаси
Акрамов Асилбекнинг**

биология фанидан ёзган

“Одамнинг пайдо бўлиши” мавзусидаги

РЕФЕРАТИ

Топширди:
Қабул қилди:

Акрамов А.
Саттаров Т.

Наманган-2012й.

Режа:

- 1. Кириш.**
- 2. Биология фани унинг методлари.**
- 3. Биология фани муаммолари.**
- 4. Одамнинг пайдо бўлиши.**
- 5. Полеонтология далиллари.**
- 6. Хулоса.**
- 7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

КИРИШ. Инсоният пайдо бўлибдики, ер юзидаги жонли ва жонсиз табиатдан фойдаланиб келмоқда. Шу билан бир қаторда уни ўзига бўйсундирган ёки бўйсундириб келмоқда. Табиатдаги барча мавжудодлар, бошқача айтганда Ер юзидаги наботот аломи ёки флора ва фауна қандай юзага келганлиги, нега табиат унсурларга бирикканлиги инсониятни азалдан қизиқтириб келган. Инсоният табиат сирларини очишга ҳаракат қилган ва ҳозирда ҳам шу йўлдан бормоқда. Фан-техника тараққий этган бизнинг даврда табиат сирларининг анча – мунчаси ўрганилган, олимлар томонидан очиб берилган, аммо хали ўрганилмаган, очилмаган жумбоқлар анча.

Фан, илм ривожланиб борар экан Ер юзидаги мавжудодларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўсиши, кўпайиши ва ривожланиш сирлари очиб борилмоқда. Э.Х.Т.ларининг яратилиши эса турли моделлар яратиб хона ичида организмларни ўрганиш имкон бермоқда.

Хусусан, биологик фанлар бу масаллар билан кенгрок шугулланади, шунга кура фаннинг узига яраша муаммолари, илмий-тадқиқот усуллари борки, улар табиат сирларини очишда уни урганишда азалдан кул келмоқда.

Биологиянинг илмий-тадқиқот методлари:

1. кузатиш методи-организмлар ва унинг атрофидаги муҳитда рўй берадиган ходисаларни тасвирлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бу метод биология фанининг илк ривожланиш даврида кенг қулланилган;
2. такқослаш методи- турли систематик гуруҳлар, тирик организм, уларнинг таркибий қисмларидаги ухшашлик ва фарқлар такқосланади;
3. тарихий метод- турли систематик гуруҳлар, организм, улар органларининг тарихий жараёнда пайдо бериш қонуниятларини урганади;
4. экспериментал метод-тирик табиатдаги, организмлардаги воқеа-ходисаларни чуқур урганади;
5. маданийлаштириш методи- тирик табиатдаги бирор воқеа-ходисалар ёки унинг муҳим жиҳатларини модель тарзида қайта тиклаб урганилади.

Биологиянинг бундай илмий-текшириш методларининг мавжудлиги билан бирга узига яраша муаммолари ҳам бор. Бу муаммолар, биринчидан молекулаларнинг тузилиши ва функциясини аниқлаш; иккинчидан бир ва куп хужайрали организмларнинг ривожланишини тартибга солиш, унинг механизмларини билиш, учинчидан организм шахсий ривожланишидаги ирсият механизмлари, яъни оксил биосинтезидан хужайра ҳосил бўлгунга қадар табақаланишни ойдинлаштириш; туртинчидан, организм тарихий ривожланишини аниқлаш; бешинчидан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиш муаммосини ечиш ва тажрибада исботлаш; олтинчидан, инсонларнинг табиатга қурсатадиган ижобий ва салбий таъсирини билиш; еттинчидан, одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган баъзи муаммоларни ҳал этишдан иборат.

Биология фанидаги охириги бу муаммо нафакат биология фани, балки умум фанлар муаммоси, тугрироқ айтганда жумбоқдир. Бу жумбоқни очиш ва уни урганишда биология фани, эволюцион таълимот, генетика, анатомия, полионтология каби фанлар билан, жумладан тарих билан ҳаммаси боғлиқ ҳолда изланишлар, тадқиқотлар олиб боради. Ҳуш, одам қандай қилиб чиққан? Одам қандай пайдо бўлган? Қуйида шунга тухталиб утамыз.

Одамнинг пайдо бўлиши-антропогенезда рол уйнаган омиллар нималардан иборат? деган савол тугилиши табиий. Дарвин органик олам эволюциясининг асосий омиллари ирсият, ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш, табиий танланишни одам эволюциясига татбиқ этиш мумкинлигини курсатиб утди.

Одамнинг пайдо бўлишида биологик омиллар катта аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ уларнинг узиғина антропогенези тушунтириш учун етарли эмас. Бу жараёнда биологик омиллар билан бир каторда ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль уйнайди.

Маймунлар бирданига тик юра бошлаган эмаслар, атроф-муҳитнинг ўзгариши-урмон шароитидан очик ерда яшашга ўтиш туфайли айрим маймунларда пайдо бўлган мутацион ўзгарувчанлик-тик юришга бирмунча лаёқатли бўлиш, яшаш учун кураш, табиий танланиш орқали миллион йиллар мобайнида сакланиб, такомиллашиб борган. Тик юриш натижасида одамсимон маймунларнинг ҳаракатланиш даражаси чекланиб қолган.

Думгаза суяклар бирлашиб ҳаракатланмайдиган ҳолга ўтган. Бу эса тугишни бирмунча кийинлаштирган бўлса-да, тик юришга ўтиш одамсимон маймунларда ўзқадар хавф-хатарни қура билиш, қуруқ ўшлашга хизмат қилувчи қўлларининг озод бўлишига имкон яратган.

Маймуннинг одамга айланиш жараёнида жамоа бўлиб яшаш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ҳар қандай қуруқчага эга бўлган айрим индивид йиртқич ҳайвонлар ҳужумига бардош бера олмади. Шу сабабли энг қадимги одамлар жамоа бўлиб яшай бошлаганлар. Шу йўсинда улар йиртқич ҳайвонлардан ҳимояланганлар, ов қилганлар, ёш болаларни тарбиялаганлар. Жамоанинг қатталари ёш аъзоларини қуруқчага, ов қилиш усулларига, оловни саклашга, емишли усимлик ва ҳайвонларни қидириб топишга ўргатганлар.

Меҳнат жараёнининг ривожланиши билан ўзаро қўмақлашиш фойдали эканлиги тобора ойдинлаша борган. табиатни билиш бўйича тупланган тажриба авлоддан-авлодга берилиб, такомиллашиб борган. жамоа бўлиб яшаш одамларни бир-бири билан товуш, имо-ишора ва мимика орқали муносабатда бўлиш имконини берган.

Аждодларимизнинг дастлабки сузлари меҳнат операциялари билан боғлиқ бўлган. бора-бора маймунларнинг ривожланмаган ҳикматдоғи ва оғиз аппарати ирсий ўзгарувчанлик, табиий танланиш натижасида одамнинг нутқ органига айланган.

Одамнинг келиб чиқиши. Одамнинг келиб чиқиши масаласи устида олимлар бир неча юз йиллардан бери тадқиқот олиб борадилар, бу масала бўйича турли нутақ-назарлар мавжуд бўлиб, лекин уларнинг баъзилари ўз исботини ҳали топганича йўқ. Одамнинг келиб чиқиш ва ривожланиши жараёни тарих фанида Антропогенез-юнонча “антропос”-одам, “генезис”- ривожланиш деб юритилади.

Одамнинг келиб чиқиши, кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиши ва таракқиёти тугрисида фанга турли хил ёндошувлар, қарашлар мавжуд. Биз уларни 2 га бўлиб ўрганамиз.

1. Диний қараш.
2. Дунёвий қарашдир.

Биз яшаб турган моддий дунё азалдан бўлганми? Ерда ҳаёт қачон пайдо бўлган, одам пайдо бўлган қаби масалаларда диний ва илмий адабиёт бир-бирини инкор этувчи ҳулосалар билан ёндошади. Яққа ҳудудийлик гоёсини илгари сурувчилар дунёдаги барча динлар, биз яшаб турган ҳаётдаги барча борлиқни, одамзотнинг узини ҳам ҳудудий-таоло томонидан яратилганлигини башорат қилади. Жумладан: Библияда одамни ҳудо етти минг йил аввал “қизил лойдан” яратганлиги таъкидланади.

Бу гоё Қурони Каримда ҳам ўз аксини топган. Ислоҳ дини гоёси ривоятларига қараганда “Ҳудойи таоло қудрат қучи билан тупроқни ҳамир қилиб Одамнинг шаклини ясаб “унга қирқ кун бўлганда қон беради”.

Момо Ҳавони эса одам Атонинг “чап (қовургасидан)” яратган. Кишилиқ жамияти Одам Ато ва Момо қаводан тарқалган эмиш, одам Аллайҳисалом бир юз қирқ ёш умр қурибдилар. Бу давр мобайнида Одам Ато ва Момо қаводан 41 фарзанд дунёга қелибди.

Одамзоднинг биринчи вакили Курони каримда Одам Ато ва Момо Хаво, “Библия” да Адам ва Ева, Зардуштийлик динида эса Ийим номлари остида берилади.

Шундай экан дунёвий билим ҳам диний билимлар ҳам ўз нуктаи-назарларини илгари сурадилар. Диний таълимот карашларини хурмат қилган ҳолда фанда одамнинг пайдо булиши ҳақида эволюцион таълимот мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман.

Айниқса ҳозирги вақтда антропогенез мавзуси кўпдан-кўп янги фикр мулоҳазалар билан боғланган.

Масалан, куринмас одам ёки бошқа коинотдаги одамларнинг ер юзида таркалиши бу назарияларнинг купгина тарафдорлари бор ва уларни бутунлай инкор қилиб бўлмайди, аммо турли хил таълимотларни тасдиқлаш учун аниқ исботлар тақлифлар этиш лозим.

Инсониятнинг дастлабки вакиллариининг қазилма қолдиқлари 1959 йилда Америкалик олимлар томонидан Шарқий Африкадаги Олдувай дарёсида топилган.

Бу одам қолдиқлари Танзаниянинг Зинж номли қишлоғидан тоналгани учун уни шу ном билан Зинжан Троп одами деб аталади.

Бу ерда одам суяклари билан бирга ҳар хил ҳайвонларнинг антиқа суяклари ва тош қуроллар ҳам топилади. Зинжантроп топилган биологик қатламнинг санаси 1,5 – 2 миллион йил деб тахмин қилинмоқда. Индонезиядаги Ява оролида 1890 йил энг қадимги одам суягининг қолдиқлари топилган бўлиб, уни птекантроп деб номлаганлар. Юнонча маймун одам демакдир.

Хитойнинг Пекин шаҳри яқинида топилган одам суяги қолдиқлари жой номи билан аталиб, синомтроп Хитой одами деб номланган. Синатроплар ўткир қиррали тош қируллардан ва табиий оловдан фойдаланганлар.

“Ишбилармон одам” ларнинг вакиллари бўлган зинжантроп ва австролопитек (лотинча жануб одами) бундан 3-2 миллион йиллар олдин яшаганлар. Птиокантроп милоддан 700-600 миллион йиллар, снатроп эса 600-500 миллион йиллар илгари яшаган. Улар илк палеолит даври одамлари деб ҳисобланади.

Зинжантроп австролопитеклар оиласининг энг қадимги вакили ҳисобланади, олимлар унга “Хомахабилис” ишбилармон одам деб ном берилган ва у энг содда меҳнат қируллари ясай олган.

Зинжантроп, птекантроп ва синамтроплар илк тошлари илдиз утган энг қадимги одамлар ривожланишини босқичлари ҳисобланади.

Улар қаддини тик тутиб юрганлар. Меҳнат қируллариини ясаб ишлата олганлар. Бу ҳол уларни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турган. Синатроплар птикантропларга қараганда мураккаброк меҳнат қирули ясай билганлар. Бунинг устига табиий оатдан ҳам фойдаланганлар. Минг йиллар давомида одамнинг ташки қиёфаси, мия ҳажми узгарган.

Ер юзи об-ҳавоси илик бўлганда одамлар манзилларда янги анҳор бўйидаги тепаликларда жойлашган об-ҳавонинг кескин узгариши илк палеолитнинг сунгги давларида ер юзи буюк музлик билан қопланганда одамлар янги шароитга мослашишга мажбур бўладиган.

Бу ҳол ҳам уларни ташки қиёфасига узгариш қиритган.

Урта палеолит даврида миллотдан аввал 100-40 минг йилликлар даврида яшаган одамларни птиэкантроплар деб аталган. Уларни суяк қолдиқлари дастлаб Германиядан Неандертал водийсидан топилгани учун шу жой номи билан аталган.

Неандерталлар яшаш учун горларни узлаштирадилар. Найза учларини ясайдилар, ўзларига ҳайвон терисидан қийим қиладилар, оловдан фойдланадилар. Мамонт ва бошқа йирик музлик даври ҳайвонларини овлайдилар.

Неандерталлар ҳозирги қиёфадаги одамларга утиш босқичидир. Кромонён Франция горидан топилган одам суяклари унинг сунгги палеолит миллиоддан аввалги 40-12 минг йилликлар даврида яшагани ва жисмонан ҳозирги қиёфадаги одамлардан фарқ қилганлиги маълум.

Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар илк палеолит даврида тахминан 700-500 минг йиллар олдин пайдо бўлган олимларнинг тахминича Ўзбекистон ҳудудида яшаган

энг кадимги одамлар Жанубий Шаркий ва Шаркий Осиёнинг энг кадимги одамлари булиши синатроплар-Хитой одамга якин кариндош уругдан булганлар.

Ўзбекистон худудида энг кадимги одам Фаргона водийсида Селунгур манзилидан ва Тошкент водийсининг кул булок мавзусидан Ангрен шаҳри якинидан топилган. Купол тош куроллари булиб, бир томони кертиб уткирлаштирилган булган. Илк палеолит даври одамлари кичик дарё буйлари ва булоклар буйида ўзларига макон курганлар.

Ўша даврларда иқлим иссиқ бўлганидан кишилар бош пана –турар жой ва кийимга эҳтиёж бўлмаган.

Инсониятни ривожланишида неандертал одамнинг ўзи алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги таъкидлаб ўтганимиздек, 1956 йилда Германиянинг Дюссел Дорф шаҳри якинидаги неандертал горидаги ер казиш ишлари вақтида тасодифан бош суяк копкоги ва одам скелетининг бир неча суяклари топилиб, шу ер номи билан аталади. Бу скелет барча казилма одамларининг энг аввалгиси булиб, ўз вақтида олимлар орасида кучли бахсларга сабаб бўлди.

Ўша вақтдаги машҳур немис олими, Ориентологи Верхов скелетнинг топилган бўлаклари иптидой одамга тегишли бўлмай балки ҳозирги замон одамига тегишли деб эълон қилди ва суякларнинг тузилиш хусусиятларини эса алькоголизм ва захм касаллиги оқибатида деб тушунтирди. Лекин бу топилмалардан кейин одамнинг факат алоҳида қисмигина эмас, балки бутун скелетлари, шунингдек куп марта тош куроллари, кул қолдиқлари ва шулар билан бир қаторда кишилик фаолияти билан боглик бир қанча топилмалар бирин-кетин топилаверди.

Ҳозир неандертал деб аталган бу казилма одам юқорида айтиб ўтилган ўтмишдаги одамлар сингари ягона топилма эмас: ҳозирги вақтда Европанинг куп ерларида, Жанубий Африкада “Родэзия одами” ва “Африкантроп” Фаластинда Ява Оролида питекантроплар топилган жойда: Явантроп ва бошқа ерларда ҳам уларнинг яшаганлиги аниқланди. Кримда Синферопол шаҳридан 25 км шарқроқда Кийиккоба горида 1924 йилда Г.А.Бонч – Осмоловский томонидан топилган.

Ўзбекистонда топилган тешик тош горида 1938 йилда О.П. Окладников томонидан Мусте типи деб аталадиган жуда содда тош куроллар билан 8-10 яшар боланинг суяги топилган. (кейинчалик унинг шогирди Алексеев томонидан бу суяк аёл кишига тегишли эканлиги аниқланган).

Шуни курсатиб утиш мумкинки, ғордаги неандерталларнинг алоҳида топилган индивидлари юқорида кўрганимиздек, жуда кенг майдонга тарқалган бўлиб, улар ўзаро бир-биридан фрак қилса ҳам буларнинг ҳаммаси бир одамнинг туридир.

Қадимги кишиларнинг юқорида курсатиб утилган вакиллари одамсимон маймунларга хос бўлган белгилардан аста-секин узоклашиб, ҳозирги замон одами типига яқинлашган: тик юриш такомиллашган, кўз косаси усти каварик, ияк ривожланган, пешона текисланган ва бошқалар, лекин энг кўзга ташланадиган нарс миянинг ривожланиши натижасида бош суяк ҳажмининг катталашishi бўлди. Ҳозирги замон йирик адашсимонларнинг, казилма одамлар ва ҳозирги замон одамлари қалла суякларининг катта кичиклигини билиш учун мавжуд маълумотларни солиштирилса, қуйидагилар маълум бўлди.

Горилла 600 дан то 685 см³ гача.

Питекантроп 800 дан то 900 см³

Синантроп 1000 дан то 110 см³

Неандертал 110 дан то 1600 см³

Ҳозирги замон одами 1200-1700 см³.

Синатроп ва Неандертал одамларнинг қолдиқлари билан бирга уларнинг меҳнат фаолиятларининг излари, хусусан, жуда содда тош куроллар топилган. Археологик казилмалар ичидан топилган иптидой жамият даврига мансуб бўлган моддий маданият ёдгорликларининг ўзи анчагина олдин бу тахминан казилма одам топилган даврлар яъни,

20 аср ўрталаридан бошланган ва тинмай ўзгариб бораётган археологик моддий маданиятнинг энг кадимги тараккиёти хақида етарли даражада аниқ маълумотлар беради.

Ер юзининг каттагина қисмига таркала бошлаган палеантроплар –янги неандерталлар шу хилма-хил табиий шароит ва иштимой меҳнат жараёни натижасида аста-секинлик билан ривожланишда давом этдилар.

Оқибатда ҳозирги жисмоний типдаги “Янги одам” неантроп даражасигача етиб келгунча катта тарихий даврни босиб ўтдилар. Неандерталлар ўзларининг жисмоний ва аклий қобилиятлари билан энг кадимги ва кадимги одамлардан сифат жиҳатдан тубдан фарқ қилар эдилар.

Шунинг учун ҳам уни “акл идрокли” одам – мом сапиэнс, деб атаганлар. Улар ўзларининг ташки қиёфаси жиҳатидан ҳозирги замон одамларига жуда ўхшаб кетадилар. Мутахассисларнинг фикрича неандерталлар бундан 40-35 минг йил муқаддам сунги тош асрининг бошларида пайдо бўлган ва дастлабки эски дунё бўйлаб кенг таркала бошлаганлар.

Уларнинг скелетлари, суяк парчалари, моддий-маданий қолдиқлари Африка, Европа ва Осиёнинг қўпгина жойларидан топилган.

“Акл-идрокли” деб аталган одамлар, дастлаб Ўрта ер, Кора, Касбий денгиз ва унга туташ бўлган жойларда яшаган бўлиб, шу ердан Марказий Шаркий, Жанубий-Шаркий Осиёга, Шаркий-Жанубий Африкага, Гарбий ва Жанубий Европага тарқалганлар.

Неантроплар тарқалган жойлар шартли равишда қуйидаги географик ўлкаларга бўлинади.

1. Европа музлик ўлкаси.
2. Ўрта ер денгиз ўлкаси.
3. Жанубий Африка ўлкаси.
4. Сибир-муғул ўлкаси.
5. Хинд-ҳимолай ўлкаси.
6. Малая правинсияси-(Жанубий Хитой,Хинд Хитой ярим ороли ва унинг атрофлари) ўлкаси.

Мазкур жойлардан неандерталлар яшаган жуда кўплаб манзилгоҳлар. Бу манзилгоҳлардан эса улар қолдирилган моддий маданий қолдиқлар ва уша маданиятни яратган кишиларнинг юксак қолдиқлари, бутун-бутун скелетлари қўплаб топилди ва топиломқда.

Францияда кро-манонда, Комб-капелг, Ориньяк-Шанселят, Италиядаги “Долалар гори”, Грималгди, Кавилгон, Бармагранс, Бауссо, Дехторо горларидан Англиядаги павелиант горидан неантропларнинг скелетлари ва уларнинг моддий-маданиятига оид буюмлар қўплаб топилган.

Палеонтологик материаллар қадимий /Африкада ҳам неандерталлар ҳам яшаганидан дарак беради. Неандерталларнинг манзилгоҳлари, меҳнат қуроллари ва скелетлари Африканинг Афалубу-Румел, Мактах-Ал-Арбий, Науру Ассиляеар, Элентет, Боскон, Сияикома, Элизабет, Скледергат, Фиш-хук, Кения ва Танчанинанинг қўп жойларидан топилган одам суяги ҳам неандерталларга мансубдир.

Собиқ СССР да ҳам “акл идрокли одам ” нинг суяк ва скелетлари ва суяқлари Мурзак –Коюба, Фотма – Коба, Костенка Р, Сибирдаги Малта, Бурет, Афонт гори яқинидаги, Дон, Денса дарёлари бўйидан, Костюнка кишлоғи яқинидан топилган.

Ишлаб чиқариш қўчлари ўса борди. Қўчларнинг ривожлана бориши натижасида ижтимоий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу ўзгаришлар ибтидоий жамоа тизимининг ривожланишида хусусан меҳнат қуроллари такомиллашувида қўзғатилди.

Қадимги палеолит даврида қуролларнинг хили жуда оз бўлиб, улар жуда ҳам содда ишлаган эди.

Лекин қадимги палеолитнинг охири ва сунги тош асрининг бошларига келганда манзара бутунлай ўзгариб, тошдан тарашлагич, қирғич тешғич ва найза қўчлари, ер

кавлагич куроллари вужудга келди. Ундан ташкари суякдан ва ёгочдан бигиз, игна, суйил, найза учлари ва бошка мураккаброк асбоблар учун мосламалар яшашга эришилди. Балик овлашнинг ривожланиши муносабати билан тескари типли гарруп кашф килиши ҳам ана шу даврга мансубдир.

Мехнат ва ов куролларининг мукаммалашуви оқибатида овчилик хўжалиги ва термачилик ҳам ривожлана борди.

Бу ҳол жамиятда чуқур ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Тирикчилик, ҳаёт-мамот учун бўлган кураш, хўжаликни узлуксиз таъминла оладиган, доимий ва бирлашган ишлаб чиқариш уюшмасининг зарур эканлигини такозо этди ва уни вужудга келтирди.

Бундай бирлашган уюшмани ибтидоий кишиларнинг тасодифий йигиндиси вужудга келтира олмас эди.

Бу бирлашма негизида табиий кон-кариндошлик ётар, бу энг дастлабки уруг ёки уругчилик жамоаси ривожланишида сабаб бўлди. Ибтидоий пода даврида ҳам одамлар гала-гала, гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаганлар. Лекин у гуруҳларнинг сони 20-30 кишидан ошмас, улар анча бекарор ва мустахкам эмас эди.

Уругчилик тизими даврига келиб эса ҳар бир уругдаги кишилар уюшмаси 4-5 баробар ошиб, уругчидаги одамлар ўзаро мустахкам бирликга эга бўлганлар. Уруг ва уругчилик тизимининг келиб чиқиши тарихчиликнинг энг муҳим ва энг кийин масалалардан бири, ҳисобланади.

Уруг жамоаси ибтидоий тудага нисбатан анча прогрессив ижтимоий ташкилот ҳисобланарди. Ибтидоий туданинг уруг жамоасига айланиш жараёни узок, тарихий даврни босиб утади.

Уруг бир-бирига кон-кариндош анча мустахкам бирликка эга булган кишилар мажмуасидан иборатдир.

Хулоса

Одамнинг пайдо бўлиши ер юзидаги энг катта биологик регрессдир. Тирик мавжудотларнинг пайдо бўлишида табиатдаги жонли ва жонсиз унсурларнинг роли ҳам беқиёсдир. Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишида кимёвий ва биологик эволюция жараёнлари муҳим рол ўйнайди. Ҳаёт пайдо бўлиши ҳақида бир қанча фаразлар бўлиб, улар бир-бирига қарама-қарши фикрларни илгари суради. Панспермия назарияси тарафдорлари “Ерда ҳаёт азалдан мавжуд ва у бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб юради” (Аррениус).

Биокимёвий эволюция тарафдорларнинг фикрича ерда ҳаёт биокимёвий жараёнлар натижасида, сувда дастлабки оксил таркибли моддалар, протобионлардан пайдо бўлган (Фокс, Арон Качальский, Л.Маргулис) организмлар бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди. Одам эса эволюцион ривожланиш жараёнида пайдо бўлган энг онгли ва юксак даражада ривожланган организмдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т.Шарк. 1998 й.
2. Косвен М.О. Ибтидоий жамият тарихидан очерклар. Т. 1960 й.
3. Алексеев В.П. Першйтс А.Л.История первобитного общества.М.2001 г.
4. Борисковский П.Л.Древнейшее прошлое человечество М.Л.1957г.
5. Семёнов Ю.Л.Возникновение человечество. М, 1962г.
6. Ғафуров А.Т. Дарвинизм. Тошкент “Ўқитувчи” 1992 йил